




ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган

№ 5 (65881)
1996 йил, 27 январь, шанба

Сотувда
эркин нархда

• Кушлар — бизнинг дўстимиз


ҚИШЛАБ ҚОЛГАН ПАЙЛАКЛАР

«Қораянтоқ» қишлоғидан Андижон — Наманган автойули кесиб утади. Нодирабегим номидаги 20-мактаб эса худди шу йул ёқасида жойлашган. Ушбунини ёзишдан мақсад бу эмас, айнан мана шу жойда беш йилдан буён қишлаб қолаётган бир жуфт лайлакларда. Бу қанақаси? — демоқчимисиз? Мана, эшитинг.

1989 йилда мактаб ёнидан артезиан қудуги қавланиб, унга 25-30 метрли темир минора ўрнатилган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, икки лайлак учиб келиб, минора томига ин қурди. Бундан хабар топган директор Адҳамжон Бобоназаров мактаб умумий йиғилишини чақирди. Унда болалар билан қушларни безовта қилмаслик, иложи борида парваришлаш, кузатиб бориш ҳақида келишиб олинди. Бунинг учун ҳам махсус дафтар тугилди. Бу юмушларга раҳбарлик қилишни биология ўқитувчиси Жалолиддин Ваҳобов, юқори синф ўқувчилари Одина Мадалиева, Асилбек Тожибоев ўз зиммаларига олишди.

1990 йилнинг апрели эди. Сув минораси ишчиси Маъмуржон Қурбонов ерда ётган она лайлакни қуриб қолди. Қулига олди, тирик экан. Лекин уча олмасди. Бундан дарҳол болалар ҳам хабар топишди. Ўқувчилар жониворни парваришлаб, соғайтиришди. Қизиги шуки, жуфти токи инига учиб чиқмагунча ота лайлак мактаб томига учиб қуниб шеригидан хабардор бўлиб турди.

Табиатсевар болаларнинг тутган дафтарларидаги қуйидаги сўзлар менда катта таассурот қолдирди: «1991 йил. Лайлаклар тухум қуйиб, учта жўжа очди. Болалари катта булғач, иккитаси-



ни учирма қилди. 1992 йил. Уша ҳолат қайта такрорланди. 1993 йил. Бешта тухум очиб, тўрттасини учирма қилди; 1994-95 йиллар. Учтадан тухум очиб, 2 тадан учирма қилди».

«Лайлаклар она юртимизда қишлаб қолмоқда». Менга айниқса уша сўзлар қаттиқ таъсир қилди. Вужудимга аллақандай илиқ ҳиссиётлар ёйилиб, кунлим фаҳрга тўлди. Ахир бу сўзлар замирида қандай катта маъно бор. Ҳа, бизнинг мамлакатда аҳил, меҳрибон, бағри кенг, ҳаётлари тинч-осуда инсонлар яшайдиларки, ҳатто қушлар ҳам бошқа иссиқ улкаларга учиб кетмай юртимизда қишлаб қолади! Оҳ, нақадар бахтли одамлармиз. Илоё бу бахтимизга, тинчлигимизга куз тегмасин.

Ҳакимжон ЎРИНБОЕВ,
кекса ўқитувчи,
Андижон вилояти, Олтинкўл тумани.

Таҳририятдан:

Ҳакимжон Ўринбоевнинг мактублари нақадар самимий ёзилган. Биз муҳтарам муаллимимизга ташаккур айтар эканмиз, мана шунақа болалар ҳаётидан яна қўйлаб хатлар йўллаб туришларини илтимос қиламиз. Сизлардан ҳам азиз газетхон, мустақил Ўзбекистонимизнинг ёш авлоди ҳаётида юз бераётган воқеалар, энг яхши ишлар, ўқишдаги, спортдаги, ижоддаги янги-янги ютуқлар ҳақида ёзиб юборишларингизни кутамиз. Бундан ташқари камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам бизни хабардор қилиб турсангизлар. Мактубларингизга мунтазирмиз.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқаро академиянинг фахрий аъзоллигига қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида» ҳамда «1996 йилда бошоқли экинлар донини етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида» қарорлари эълон қилинди.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 10-лицей Жанубий Корея республикасида келтирилган компьютерлар билан жиҳозланди. Шунингдек, бу ерда янги ошхона ҳам қурилиб фойдаланишга топширилди.

Халқаро ЭКОСАН жамгармаси, республика болалар бадий ижодиёти маркази ҳамда «Народное слово» газетаси ҳамкорликда ташкил этилган «Орол — болалар нигоҳида» курик танлови якунланди. Унда 10 нафар ёш rassom ЭКОСАН жамгармаси совриндори бўлди.

Шофиркондаги «Озод» кичик корхонаси бошлиғи Шамсиддин Умаров саховатли инсон. У тумандаги 1-гимназия мактабига 3000 сумлик совға-салом тақдим қилди. Гимназиянинг энг аълочи ўқувчилари учун стипендия ҳам таъсис этди.

• Акс садо

Мактаб кийими ҳозирги кунда зарур деб биламан. Албатта бу менинг фикрим. Фа-

ҳам албатта амалга оширилади. Иккинчидан, болаларимиз табиатида содир булади-

„Мактаб кийими керакми?“

Ассалому алайкум «Тонг юлдузи» таҳририяти ходимлари. Буш бўлдим дегунча қулимга тушган газетани ўқиб, маънавий озуқа оламан. Лекин менга жуда ёқадигани болалар ва усмирлар газетасидир. Чунки унда бериладиган ҳар бир мақола болаларимизнинг тарбиясига катта таъсир этади. Яқинда Кавсар Турдиевнинг ўқувчилар кийими ҳақидаги мақоласини ўқиб, уйга толдим.

қатгина кўп йиллик тажрибамга таяниб айтаяпман, холос. Агар бола мактабга ўқувчи кийимида борса, бу биринчидан, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида болалар уртасидаги тафовутни епади. Чунки ота-она учун фарзанд азиз ва муътабар. У албатта боласини бошқалардан кам бўлишини истамаган ҳолда олиб беради. Бу эса оила таъминотида маълум даражада зарар келтирса

ган узгаришларнинг олдини тезроқ олишга, камчиликларни тезроқ бартараф этишга ердам беради. Чунки мактабга ялтироқ, қимматбаҳо кийимларда келаётган болаларга тақлид қилиш кундан-кунга ошиб бормоқда. Оила даромадини ҳисобга олмаган ҳолда шундай кийимларни олиб беришни ота-оналаридан талаб қилишмоқда. Учинчидан ўқитувчи билан ўқувчи

уртасида тафовут қолмапти. Ҳатто бу борада ўқувчилар узиб кетиб, улар одобида салбий хусусиятлар қўпаймоқда. Қолбуки устоз болаларга ҳар томонлама ур-нак бўлиши зарур. Шунинг учун қимматбаҳо кийимлар киймайди, тақинчоқлар тақмайди. Ўқитувчи ҳамиша маънавий ва ахлоқий жиҳатдан гузал бўлиши керак.

Менимча, ҳали ҳам кеч эмас, бу ҳақда кичиклару катталар, хуллас барча-барчанинг фикр-мулоҳазаларини билиш зарур.

Темирой САДРИЕВА
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

— Айтишларича, Риштон кулолчилиги 800 йилдан кўпроқ вақтдан буён мавжуд экан. Авлоддан авлодга утиб келаётган кулолчилик ҳунарининг ривожланишига бу воҳада яхши, сифатли, қизғинш лойнинг ва табиий бўёқлар,

тоғ ут-уланларининг мавжудлиги сабаб бўлса керак, — дейди кулолчилик тугарагининг раҳбари Кароматхон опа Хусанбоева. Риштон сопол буюмлари нақшининг нафислиги, рангтавирининг бетакорлиги билан алоҳида урин

тутади. Бундай буюмлар Ирок, Эрон, Польша, Германия, Швеция, Англия, Франция, АҚШ, Туркия каби мамлакатларда бўлиб утаётган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш қилиниб, юқори баҳоланмоқда.

Риштонликларнинг бу қадимий ҳунарга бўлган қизиқиши кўпинча болаликдан бошланади. Шунинг учун ҳам мактаблар қошида кулолчи

БИР

лик тугараклари ташкил этилган. Тумандаги Алимардон Абдулҳамидов номли 7-урта мактаб қошидаги кулолчилик тугарагининг аъзоси, ёш кулол номи билан шуҳрат қозонган Асроржон Қодировнинг ишлари барчага манзур бўлмоқда.

Отаси, уста кулол Набижон Қодиров касбининг давомчиси Асроржон 2-синфдан бошлаб лойдан ҳар хил ўйинчоқлар ясашга қизиқиб қолди ва буни сезган ота:

— Уғлим, покизалик, камтарлигу ҳалоллик кулолларга хос хислат саналади. Талабчан устанинг ишончини қозониш осон эмас, лекин орзуга етиш эса ўз қўлингда.

Йиллар ўтди, уйда отаси, тугарақда меҳрибон мураббия, тил-адабиёт ўқитувчиси,

Кароматхон опадан кулолчилик ҳунарини қўнт билан, сабр-қаноат билан ургана борди.

Ёш кулол Асроржон ясаган ўйинчоқлару митти ҳайкалча-лар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Тумандаги «Қуёш», «Бахт», «Оқ-олтин» ва «Гулбахор» болалар боғчаси кичкин-тойлари ҳам айнан Асроржон ясаган «Шолғом», «Бугирсоқ», «Тулки билан Турна» каби эртақларга ишланган ўйинчоқларни мазза қилиб уйнашмоқда. Унинг ажойибу-ғаройиб ишларидан хабар топ-

МУЪЖИЗАГА

ган қўшни туман боғчалари ҳам ижодий ишларидан намуналар олишди.

Шу йил март ойида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг IV Республика слётида қатнашган Асроржон фахрли иккинчи уринни олиб қайтган бўлса, октябрь ойида Тошкентдаги Алишер Навоий ёлгорлиги мажмуи майдонида БМТнинг 50 йиллик юбилейига бағишланган Ўзбекистон халқ ҳунармандларининг I Республика ярмаркасида қатнашди ва махсус мукофотлар билан тақдирланди.

Яқинда бўлиб ўтган «Ёш ижодкорлар ва фаоллар» слётида янги ишлари билан иш-



тирок этиб, барчани ҳайратга солди...

Орадан йиллар утиб, хашпаш дегунча ўзи ҳам устоз номини олди. Тенгқур дўстлари, синглиси Умидахон, укаси Саиджонларни ёнига олиб, уларга устозлик қила бошлади.

— Мен кўпроқ мажозий тимсоллар образини яратишга қизиқаман, — дейди кам-

ЎХШАЙДИ

тарлик билан Асроржон. — Мен яратган мажозий тимсолларга устозимиз Кароматхон опа масал ёзадилар.

Тинимсиз изланаётган ёш кулол Асроржон Қодировнинг қўлу, бармоқларининг қандайдир сеҳри бордек.

Ясаган муъжизакор буюмларинг билан барчага шодлигу қувонч улашавер, Асроржон!

Феруза ОДИЛОВА,
Фаргона вилояти,
Риштон тумани.



Суратда: ёш кулол Асроржон Қодиров ўз ишларини тенгдошларига намойиш қилмоқда. Р. Альбеков олган сурат.

Кино соҳасидек мураккаб, масъулият талаб қиладиган нозик соҳанинг ўзи йўқлигини киношуносларимиз бежиз қайта-қайта такрорлашмайди. Чунки кино билан болалар тарбияси, маънавияти, дунёқараши чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, болалар кинеси, кинотеатрларининг бугунги аҳволи қандай? Шу саволларга жавоб то-

ижарасидан олган фильмларимиз экранга чиқади. Биз имкон қадар шаҳар кинолаштириш ва ижарага бериш бошқармасидан болалар учун энг яхши асарлар олишга ҳаракат қиламиз. Аммо, очигини айтганда, талаб даражасидаги болалар фильмлари қани?

— Болаларни фильмларга жалб этиш муаммолари қандай ҳал этиляпти?

таларнинг панд-насихатларига қулоқ бермасликлари мумкин. Лекин кинони бажонидил томоша қилишади. Унинг қаҳрамонларига тақлид этишади. Бугун баъзи бир кинотеатрлар ҳамда видео хоналаридан бола тарбияси, маънавиятига путур етказадиган тасмаларнинг борлиги шубҳасиз...


— Нима демоқчи бўлга-

ниятларимиз замирида болалар кинотеатрини ривожлантириш ётади.

— Кинотеатрнинг фирмаси ҳам бор экан, деб эшитдик.

— Ш. Ҳозиев бошчилигидаги фирма ҳам шу ерда фаолият кўрсатяпти. Фирма асосан саёҳатга олиб чиқиш ишлари билан шуғулланиб, Эрон, Ҳиндистон, Туркия каби шарқ мамлакатлари йўналиши бўйлаб ҳаракат қилади. Аҳоли маданий ҳордиқ чиқариши учун бу санъаткор ўз гуруҳи билан янги-янги концерт дастурларини ҳам тайёрлаяпти. Кинотеатр биносидаги ортиқча жойларни яқинда иш бошлаган «Тонг» озиқ-овқатлар дўкони, солиқ идораси бўлимига ва дорихонага ижарага бердик. Энди суратхона ва кинотеатр ҳаётидан ҳикоя қилувчи зални ишга тушириш учун таъмирлаш тадбирларини олиб бормоқдамиз. Ушбу жой яқин кунларда болаларнинг сеvimли масканига айланишига шубҳамиз йўқ.

Махлиё МИРСОАТОВА
суҳбатлашди.



пиш мақсадида пойтахтимиздаги «Гунча» кинотеатрининг бош муҳандиси Саъдулла Соатов билан мулоқотда бўлдик:


— Сўнги пайтларда «Гунча» болажонлар кинотеатри эканлиги унутиб қўйилмоқда назаримизда.

— Аввало шуни айтишим лозимки, «Гунча» кинотеатри хўжалик ҳисобига ўтган. Афишага разм солган бўлсангиз, доимо соат 9.30 да болалар учун мультфилмлар намойиш қиламиз. Сўнгра кино

— Кинотеатр яқинида мактаб ва болалар боғчалари бор. Доимий томошабинларимиз ҳам шу атрофларда истиқомат қилишади. Болалар боғчалари ва мактаблар билан тез-тез шартномалар тузиб турамыз.


— Тарбия борасида кинодан яхши восита йўқ. Болалар китоб, газета, журнал ўқимаслиги, баъзида ўйинқароқлик қилиб, кат-

нингизни тушундим. Бу ер яна такрорлаб айтаман — болалар маскани. Буни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз. Қўйиш учун олиб келинган ҳар бир фильмни экранга чиқаришдан олдин бадиий кенгашимизнинг кўригидан ўтказамиз. Маъқул келса, томошабинларга тақдим этамиз. Қилаётган ҳар бир ҳаракатимиз, қидираётган имко-



Маъмура
Тўлабой қизи

УЛАРНИ ТАБИАТГА МЕХР ЖАМ ҚИЛДИ



БИРИНЧИ ПАВҲА

Мактабдаги «Табиатнинг ёш дустлари» гуруҳи аъзоси Йўлдошалининг одати жуда антиқа. Бугун ҳам у қўлига қогоз ва қалам олди-ю, кузатиши зарур бўлган жой томон кетди. Қиш уйқусидаги далалар, оппоқ пустин кийган дарахтларни кузатди, чизди. Энди уйга қайтаман, деб турганида қўшни маҳаллалик «Ботир дев» лақабли бола пайдо бўлди. У Йўлдошалидан икки ёш катта бўлиб, мактабда «қулоқсиз» номини олганди.

— Ҳа, табиатшунос, сенинг «Рогаткали бола» расминг кўрикда мукофот олибди, қани, мениям чизсанми, чизақол!

— Чизишдан нима фойда, сенга ухшаганларга барибир таъсир қилмайди! — жавоб берди Йўлдошали.

— Ҳазиллашдим. Рогаткани бир боладан олиб қўйдим, мени ҳам гуруҳларингга аъзо қилсаларинг, роса фойдам тегарди-да. Балки навбатдаги кўрикда мен ҳам қатнашармидим...

— Яхши. Унда юринг, Комила опа хузурларига борамиз, — деди сизсиранга утиб Йўлдошали. У йўлда ёрар экан, табиатни асраш гуруҳи сафи яна биттага ортадиган бўлганидан шод эди.

ИККИНЧИ ПАВҲА

Ушанда баҳор эди. Табиат гулга бурканган. Сахармардондан қўшлар сайрашидан уйгонган Йўлдошалининг дилига аллақандай ёқимли ҳислар қўйилди. «Яшаш, ҳаёт нақадар ширин» дея қичқиргиси келди. «Бугун балиқчилик ҳужалиги ҳудудига бориб, «Жонли кумуш» деб номланган суратимни чизишим керак эди» дея ҳаёлидан утказиб шошиб урнидан турди. Кеча тайёрлаб қўйган анжомаларини олди-ю, апил-тапил нонушта қилиб йўлга отланди.

Баҳодир, Йўлдошали, Алижон. Улар жуда кўпчилик ва Балиқчи туманидаги турли мактабларда ўқишади. Мақсадлари — атроф-муҳит мусаффолиги учун биргаликда курашиш. Шу мақсадда тиниб-тинчимайдилар. Хуллас табиатга меҳр уларни бирлаштирди, ҳамфикр қилди.



17-мактаб ўқувчиси Йўлдошали Турсуновнинг «Табиатга тош отма!» деб номланган расми.

Гулга бурканган дархтлар, ям-яшил майсалар, қўшлар, онда-сонда сув юзига уйноқлаб чиқиб қолаётган балиқлар расмини чизди. Энди уйга қайтай деб турганида аллақайқдан учиб келган тош дарахт шохида қўниб турган қўшчани қўчилиб учирди, навдадаги гуллар дув тукилди. У ҳамма насага тушуниб улгурмай, рупарасида қўшни маҳаллалик бола пайдо бўлди.

— Бунча нафрат билан қарамасанг, бу рогатка меники эмас, бир боладан олиб қўйдим, кўрдинг-ку, қўшга ҳам теккизмадим.

— Теккизолмадинг-да, агар гапинг рост бўлса, тукилган гулларга ачинардинг, омон қолса қанча мева қиларди-я!

— Ҳа, энди бир буп қолди-да, агар истасанг бунга сенга бераман.

— Уни мен нима қиламан?

— Маза қилиб бузиб, синдириб ташлайсан. Фақат мени гуруҳларингга аъзо қилиб олсаларинг бўлгани. Роса фойдам тегарди-да.

— Бунга мен ҳал қилолмайман. Ниятинг ҳолис бўлса, Комила опага биргалашиб учрашишим мумкин.

Юқоридаги воқеалар Балиқчи туманидаги 17-мактабнинг 6-синф ўқув-

чиси Йўлдошали Турсунов чизган суратларда акс этган эди...


Яна бир неча кундан сўнг Йўлдошали аъзо бўлган мактаб экология гуруҳи аъзолари яна иккита фаол, чапдаст бола ҳисобига қўпайди. Кейинги кунларда Баҳодир Гаффоров билан бўлса носоз трактор ҳайдовчиси ўртасида, Улғубек Машрапов билан эса ноқонуний дарахт кесувчилар ўртасида ғаройиб «жанжал»лар бўлди. Улар штаб бошлиғи, Балиқчи тумани Халқ таълими бўлими услубчиси Комила опа Тожибоева ҳузурида ҳал этилди. Чунки жуда қўп шундай ишлар бошида Комила опа турадилар-да.

— Комилахон мактаблар билан ишлашда катта тажрибага эга, — дейди услубчилар хонаси мудири Собиржон ака Мирабдуллаев. — Айниқса унинг туман мактаблари ёш экологлари билан олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Утган йил охирида туман мактаблари ўртасида утказилган кўрик-танлов иқтидорли болаларни ажратиб олишга катта ёрдам берди.

Собиржон ака айтганларидек, бу кўрик-танлов 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида икки мавзуда утказилди. Биринчиси: «Болалар ва атроф-муҳит», иккинчиси: «Инсон фаолияти ва атроф-муҳит» деб аталарди. Бунда болалар табиат озодалиғи, мусаффолигини асрашдаги ўз ишлари ва фикр мулоҳазаларини суратлар орқали акс эттиришлари керак эди.

Ниҳоятда кескин баҳслар билан утган беллашувда биринчи уринни устоз Абдусаттор Баҳромов раҳбарлигидаги тугарак аъзоси, 44-мактаб ўқувчиси Баҳодир Гаффоров, иккинчилиқни Чинобод ёш ижодкорлар маркази қатнашчиси Алижон Ҳакимов эгаллади.

Жамол СОЛИЕВ.



45-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Н.Шокиров ўзи чизган суратга «Аждаҳо комига тортмасин!» деб ном қўйган.



«Сўнгги зарба» деб номланган сурат 45-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ш.Қодировники.

• Шоирлар — болаларга

Ашурали Аҳмаднинг номи республикаимиз ўқувчи-ёшларига жуда яхши таниш. У шоир, ёзувчи, журналист ва таржимонлик соҳасида қалам тебратиб, ўттиздан ортиқ китоблар муаллифи бўлган. Шоир болалар қалбини ҳам ўзига хос оҳангларда жўшиб кўйлайди.

Яқинда Ашурали Аҳмад «Мен тинглайман ҳаётнинг товушларини» деб номланган шеърый туркумини ёзиб тугатди. Унда мустақиллик нафаси, Ватан ва болаликнинг беғубор туйғулари ўз тасвирини топган.

Кўйида ана шу туркумга киритилган шеърлардан ўқийсиз.

МОМО ЁР

Момо ердир ҳаёт онаси,
Ризқи-рўзим сочилган унга.
Бобом бўлиб нур парвонаси
Иқбол йўлини излаган шунда.
Кучоғида ёзиб қўлочим,
Ҳар заррасин дейман:
— Кўз нурум!
Ҳаёт йўқдир дўстлар мен учун
Шу тупроқдан ажралган куним!

ҚАЛБИМ ДЭЙДИ...

Сени агар десам бир қўёш,
Қалбим дейди: — Оздир бу қиёс.
Кучоғингни десам кенг жаҳон,
Қалбим дейди: — У мовий осмон.
Сочларингни десам оппоқ қор
Қалбим дейди. — Бу қормас,
баҳор.
Сени десам ҳаёт йўлдоши,
Қалбим дейди: — У ҳаёт боши.
Мадҳинг кўйлаб мен ошиқона,
Оддий сўз-ла дейман:
— Сен — Она!

МАДИНА

Атак-чечак отдию қадам,
Мадина ҳам тўлди тўрт ёшга.
Қилиқлари ўзгача бирам,
Чиқиб олди энди у бошга.
Тиллари ҳам бирам бийронки,
Қиқирлари ўзга ярашар.
Онасига бўлиб меҳрибон,
Юмушига доим «қарашар».
Гоҳ тешани олар қўлига,
Ер чопишга фурсат топади.
Қарамасдан ўнгу сўлига
Чаппар уриб сувга чопади.
Сўнг қоплоннинг тегиб
жиғига,
Аста бориб думин тортади.
Норозидек бир қараб қўйиб,
Бошқа жойга бориб ётади.
— Нега бунча ёмон боласан,
Танбехларим айт, сенга корми?
Шўхликларинг ахир бир олам,
Айт-чи, сенинг қулоғинг
борми?
Қулоқларин ушлаб Мадина
Отасига қилади жавоб.
— Қулоғим бор, дадажон,
мана,
Маржон кўзи порлайди шу тоб.
Ота кулиб тушар ховурдан,

Қизалоғин босар бағрига.

Фарзанд-гулдир,

Унинг атридан

Она диёр тўлади нурга!

Ашурали АХМАД



• Ўқиб, хулоса чиқаринг



Куча-куйда, транспортларда қулоқларига қора матодан тикилган эшитиш мосламаси тутиб олган, узича қандайдир куй оҳангига сармаст бўлиб кетаётган болаларга кўпда туқнаш келиб қоламиз. Чунки ҳозирги кунда ёшларимиз орасида қулоқларига плейр тақиб юриш русм бўлган. Бу эса ёшларимиз орасида эшитиш қобилиятининг пасайиши ёки тўғридан-тўғри гаранглик ҳолларининг кўпайишига сабаб бўлаётгани ачинтиради кишини. Қулоққа зич қилиб жойлаштирилган эшитиш мосламаси ҳамда шовқинли мусиқа овози аксарият болаларнинг эшитиш аъзоларига салбий таъсир қўрсатяпти. Плейрлар бор қувватда ишлатилса қулоқларга 110 децибел даражада зуриқиш қўрсатар экан. Соғлом қулоқнинг эшитиш пардалари эса бунга талофатсиз бир ярим дақиқа бардош бера олар экан. Дарвоқе, 110 децибел жуда яқиндан туриб старт олган самолётнинг шовқини билан баробар экан.

Қулоқ касалликлари бўйича париждик мутахассис Жан-Франсуа Бушенинг фикрича, эшитиш қобилиятини пасайтириш ёки уни бутунлай йўқотиш кўпроқ созандаларга, яна, ёши 55 дан юқори бўлган одамлар учун хос бўлган хасталик саналар экан. Плейрлар асрида эса бу касалликнинг «ёшариб» бораётгани, аксарият одамлар плейрдан сўнг махсус эшитиш мосламаси тақиб юришга мажбур бўлаётганликлари ҳақида хавотир билан огоҳлантиради.

Газетаимизнинг 9 январь сонида эълон қилинган «АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИ»нинг жавоблари

1. Миср. 2. Руанда — Ранда.
3. Хартум. 4. Сомали-Мали.
5. Танганика. 6. Нуакшот.
7. Тунис. 8. Замбия-Гамбия.
9. Лусака. 10. Лагос-Лаос.
11. Конго-Когон. 12. Бурнди.
13. Найроби. 14. Конакри.
15. Фил Суяги Қирғоғи. 16. Камерун. Кампала.
17. Кейптаун. Фритаун. 18. Нигер.
19. Марокаш — Марка.
20. Занжибар-Занжир.



8. Танаси қаттиқ дарахт номи билан бошланувчи пойтахтни топинг-чи?

9. «Бел» билан бошланувчи мамлакатлар пойтахтини биласизми?

10. Қайси давлатнинг «Порт»и бор?

11. Пойтахтлардан бири номидан учта ҳарфни учуриб қарамон қалъа номини ҳосил қилинг-чи?

12. Қайси пойтахт «Киши»дан бошланади?

13. Давлатлардан биридан бошқа бир давлат номини ҳосил қилинг-чи?

14. Давлат номига иккита ҳарф қўйиб, қитъа номини ҳосил қилинг-чи?

15. «Ва» боғловчиси билан тугайдиган давлат ва пойтахтни топинг-чи?

16. Қайси давлатнинг «Пол»и бор?

17. Қушлар ошиёни билан тугайдиган пойтахтни топинг-чи?

18. Давлатлардан бири номидаги учта ҳарфни учуриб радиоактив модда ҳосил қилинг-чи?

19. Номдош давлат ва пойтахтларни айтинг-чи?

20. «Дам» билан тугайдиган пойтахтни биласизми?

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ.

• Топишмоқлар

ОҚҚИНА ТОВУҚ ХИРМОН СОЧАР

Қокрон ерда кўзи ўйнайди,
Такрон ерда този ўйнайди.

Оппоққина дастурхон,
Ер юзини қоплаган.

Оқ урчугим айланчиқ,
Бухоро йўли очиқ.

Саман отим сой ёқалаб келади.

Кўзга кўринмас,
Кўлга тугилмас.

(Дўл)

Бешадан чиққан беш бия,
Бешови ҳам қулунли,
Қулунлари қул ола,
Қуйруқлари газ ола.

(Қор)

Узун-узун ўз кетди,
Узун бўйли қиз кетди.
Тоққа бориб тақ этди,
Сирғалари ярқ этди.

(Қор)

(Сел)

(Хаво)

(Булут)

(Яшин)

• Доноликни илмдан ўрган

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИ

1. Қайси пойтахтда «дон» бор?
2. Қайси мамлакат «Нор»дан бошланади?
3. Қон томирига номдош пойтахтни айтинг-чи? Унда ҳарфлар ўрнини алмаштириб дарё номини ҳосил қила оласизми?
4. Қайси пойтахтнинг «Пари»си бор?
5. Давлатлардан бири уй жонивори номи билан бошланишини биласизми?
6. Қадимий пойтахт шаҳар номидан икки ҳарфни учуриб, миллат ҳосил қилинг-чи?
7. Мерганлик мусобақаси ўтказиладиган жойни қўрсатувчи пойтахтни биласизми?

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида теришди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г 018.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
33-44-25

